Маратов Темур Ғайрат ўғли,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

ШАХСДА ДИНИЙ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ШАКЛЛАНИШИДА ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

УЎК: 316.346:159.923.2
DOI: 10.34920/SO/VOL_2022_ISSUE_12_3

МАРАТОВ Т.Ғ-Ў. ШАХСДА ДИНИЙ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ШАКЛЛАНИШИДА ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Мазкур мақолада ижтимоий идентификация, хусусан, диний идентификациянинг ўзига хос жиҳатлари, пайдо бўлиш шартшароитлари таҳлил қилинган. Шунингдек, унинг шаклланишида шахс гендер хусусиятларининг таъсири экспериментал ўрганилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: идентификация, шахс, психология, диний идентификация, гендер хусусиятлар, ёш хусусиятлар.

МАРАТОВ Т.Г-У. ВЛИЯНИЕ ГЕНДЕРНЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ НА ФОРМИРОВАНИЕ РЕЛИГИОЗНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ ЛИЧНОСТИ

В данной статье анализируются специфические аспекты социальной идентификации, особенно религиозной идентификации, и условия, необходимые для ее возникновения. Также экспериментально изучалось влияние гендерных особенностей личности на ее формирование.

Ключевые слова и понятия: идентичность, личность, психология, религиозная идентичность, гендерные особенности, возрастные особенности.

MARATOV T.G-U. THE EFFECT OF GENDER FEATURES IN THE PERSON IN THE FORMATION OF RELIGIOUS IDENTIFICATION

In this article, this article is analyzed in this article, in particular the specifics of religious identity, the conditions of emergence. In addition, in its formation, the impetus of the person gender features is experimental.

Key words and concepts: identification, person, psychology, religious identity, gender characteristics, age characteristics.

Кириш.

Бугунги жадаллик билан ўзгариб бораётган замонавий жамиятда, шиддатли ахборот асрида яшаётганлигимиз бир томондан инсонлар онгига турли хил таъсирларнинг кўрсатилаётганлиги бўлса, бошқа тарафдан ғоявий тахдидлар, ахборот хуружлари тобора ортиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Миллий қадриятларимизнинг асоси ҳисобланган диний қадриятларнинг қайта тикланиши, инсонларнинг динга нисбатан қизиқиши, эътиқод эркинлиги ва бошқа кўплаб омиллар инсонларда диний онгининг шаклланишига хизмат қилади. Бироқ диний онгнинг нотўғри шаклланиши яъни инсонларнинг диний дунёқарашининг ноадекватлиги, ўз эътиқодларини тўғри англай олмасликлари уларнинг ўз хулқ-атворини бошқариши ва ижтимоийлашувига ҳам салбий таъсирларини кўрсатади. Бунинг оқибатида ғаразли кучлар дин орқали ижтимоийлашувнинг илк босқичларида турган ёшларнинг онги ва хулқ-атворини бошқариш омили сифатида фойдаланиш мумкин.

Мавзунинг долзарблиги: Мустақиллик йилларида ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни амалга оширувчилари ҳисобланувчи ёшларнинг ижтимоий-психологик муҳитида диний идентификациясининг шаклланиш ҳолатларини ўрганиш, унга таъсир кўрсатувчи турли хил омиллар таъсирини таҳлил қилиш уларнинг ахлоқийруҳий тарбияланишида ҳамда баркамол шахс бўлиб шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Мавзу бўйича илмий изланишларнинг қисқача таҳлили.

Шахсда диний идентификация шаклланишининг ижтимоийпсихологик хусусиятларини замонавий хориж тадқиқотчиларидан С.Миедеманинг диний эътиқодни шаклланиш босқичлари таҳлили[1], Л.Пекнинг диний идентификация ривожланишига оид ёндашувлари[2], В.Л.Уордеккернинг диний идентификация шаклланиши ҳақидаги қарашлари[3], Н.Кибриёнинг турли диаспораларди диний идентификацияга доир таҳлиллари мисолида кўриш мумкин[4]. Психология фанида диний эътиқоднинг шаклланиши борасида У.Жеймснинг диний эътиқоднинг пайдо бўлиши ҳақидаги қарашлари[5], Э.Эриксоннинг "Мен" концепцияси[6], Г.Олпорт таклиф этган диннинг «кўп омилли» психологик келиб чиқиши назарияси[7], Р.Оттонинг диний туйғуларининг шаклланиши оид назариялари[8], психодинамика йўналиши вакиллари З.Фрейд[9], Э.Фромм[10], К.Г.Юнг, А.Фрейднинг асарларида[11] диний эътиқод ва унинг шаклланиши шахс онгсизлик соҳаси билан боғлаб тушинтирилган қарашлари, экзистенциал-гуманистик йўналиш намоёндалари В.Франкл[12], А.Маслоу[13], И.Д.Яломнинг[14] диний идентификацияги оид назариялари таҳлил қилинган.

Мақоланинг илмий янгилиги ҳозирги мураккаб, ўзгарувчан даврда дунёни ва ўзини назоарт қила олиш, шунингдек, эътиқод даражаси шахснинг психологик, ёш ва гендер детерминантлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу каби омилларнинг таъсири натижа-

[1] Miedema S. "Coming out religiously!" Religion, the public sphere, and religious identity formation //Religious education. – 2014. – Т. 109. – №. 4. – P. 362-377.

[2] Peek L. Becoming Muslim: The development of a religious identity //Sociology of religion. – 2005. – Т. 66. – №. 3. – P. 215-242.

[3] Wardekker W. L. Religious Identity Formation between Participation and //Towards religious competence: Diversity as a challenge for education in Europe. – 2001. – Т. 3. – P. 23.

[4] Kibria N. Muslims in motion: Islam and national identity in the Bangladeshi diaspora. – Rutgers University Press, 2011. P. 16.

[5] Джеймс Уильям. Многообразие религиозного опыта. М.: Академический проект, 2017. – С. 51.

[6] Эриксон Э. Идентичность: юность и кризис. Монография / Э. Эриксон - М.: Изд-во Академический проект, 1996. – С. 143.

[7] Олпорт Г. Становление личности. Избранные труды/ Пер. с англ. – М.: Смысл, 2002. – С. 201.

[8] Otto, R. The Idea of the Holy. New York: Oxford Universities Press. 1958. – P. 72.

[9] Фрейд З. Недовольстве культурой // Психоанализ. Религия. Культура. - М.: Ренессанс, 1992. – С. 93.

[10] Фромм Э. Психоанализ и религия; Искусство любить; Иметь или быть?: Пер. с англ. К.: Ника-Центр, 1998. – С. 166.

[11] Фрейд А. Психология Я и защитные механизмы. - М.: Питер. 2018. – С. 85.

[12] Франкл В. Основы логотерапии. Психотерапия и религия. – Спб., 2000. – С. 221.

[13] Маслоу А. По направлению к психологии бытия. Религия, ценности и пик переживания/ пер. с англ. М.:Эксмо, 2002. – С. 106.

[14] Ялом И. Экзистенциальная психотерапия. – М.:РИМИС. 2008. – С. 339.

сида ижобий диний идентификация шаклланиши исботланган.

Тадқиқотнинг мақсади шахсда диний идентификация шаклланишидаги гендер-психологик омилларни тадқиқ этиш.

Тадқиқот объектини Тошкент шаҳри 132-сонли ҳамда Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри 2-сонли умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари (910 синфлар), Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Чирчиқ давлат педагогика университетида таҳсил олувчи 23 курс талабалар ва турли фаолият билан шуғулланувчи ўрта ёшли синалувчилар. Жами синалувчилар 300 нафардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда Р.Б.Кэттеллнинг "Шахсни 16 омил ёрдамида ўрганиш" сўровномасидан фойдаланилди.

Асосий қисм.

Диний идентификация - бу ижтимоий идентификатсиянинг бир шакли сифатида шахснинг онгли равишда бирор динга мансуб эканлигини ҳис қилишидир. Мазкур муаммо бўйича илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, диний идентификация ва ушбу йўналишдаги бошқа асосий тушунчаларни таърифлаш (аниқлаш) га оид кўплаб ёндашувлар мавжуд. Хусусан, С.Ҳолл, Э.Д.Старбук, М.Мюллер, У.Жеймс, Ж.Л.Баррет, К.А.Сегал, Л.Хоффман, В.Франкл, И.Д.Ялом, Р.Май, Д.Троут, Д.М.Ургинович, А.А.Белик, Р.М.Грановская, А.М.Двойнин, Ф.Абдурахмонов тадқиқотларида ушбу муаммо кенг таҳлил қилинган.

Ўрганилаётган муаммо бўйича илмий адабиётлар таҳлили ҳозирги кунда дин ижтимоий ҳаётнинг турли турли жабҳаларида намоён бўлаётганлиги ва шахс онги, хулқ-атворининг муҳим омили сифатида эътибор қаратилаётганлиги, маънавий, маданий, маърифий соҳаларда мустаҳкам ўрин эгаллаётганлигини кўрсатади. Диний идентификация динни психологик тадқиқ этишда асосий тушунчалардан бири бўлиб, шахснинг динга нисбатан эмоционал, когнитив муносабатлари ҳамда диний эътиқодининг асоси сифатида қаралади. Диний идентификация шахснинг ижтимоий муносабатлар, ўзлигини англаш ва воқеа ҳодисаларни тафаккур қилиш даражасида акс этади. Диний идентификация ҳаётнинг барча соҳаларида хулқ-атвор, мулоқот, хаттиҳаракат, фаолият мотивацияси ва ахлоқиймаънавий тарбия натижасида шаклланади. Шунингдек, диний идентификация шахснинг ёш ва жинс хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, у ҳаёт давомида содир бўладиган жараён сифатида нисбий барқарорлик ва инқироз даврлари билан тавсифланади.

Диний идентификация шаклланишига доир тадқиқотларда келтирилишича, унинг бир қанча таснифлари бор бироқ уларнинг аксарияти шакл жиҳатдан бирбиридан фарқлансада аслида маъно жиҳатдан бир хил. Масалан баъзи қарашларга кўра диний идентификация шахс статуси билан белгиланса, бошқасида шахснинг жамоавийлиги, қадриятлар йўналиши билан ифодаланади. Умумий нуқтаи назардан қаралганда уларнинг барчаси ижтимоий жараённи ифодалайди.

Эмпирик ўрганиш натижалари.

Тадқиқотимизнинг бош мақсади шахсда диний идентификация шаклланишини ўрганишга қаратилганлиги сабабли, муаммонинг ўрганиш натижаларини таҳлил этишда шахснинг ижтимоийпсихологик хусусиятлариги мурожаат қилдик. Чунки, шахс жамиятнинг аъзоси сифатида ўзининг қатор психологик хусусиятларини намоён этади ва шакллантиради. Бу эса турли ўзига хос тасаввурларига мувофиқ диний идентификацияни изоҳлаш имконини беради. Бизнинг тадқиқотимизда ушбу мазмундаги изланишни Р.Кеттелнинг "16 омилли шахсни ўрганиш" сўровномасидан фойдаланишни лозим топдик. Сўровнома моҳиятига кўра шахснинг ижтимоийпсихологик хусусиятлари бошқалар билан муносабатда имкониятларини намоён қилиш ва ривожлантиришга интилиш билан боғлаб тушунтирилади. Шундай экан, ушбу хусусиятлар маълум ёш даврларида диний тасаввурлар ва қарашлар шаклланишида қандай характерга эга эканлигини ижтимоийпсихологик нуқтаи назардан талқин этиш заруратини пайдо қилади. Бу борадаги натижаларни таҳлил этишда респондентларни ёш ва жинс гуруҳларига ажратган ҳолда, уларнинг умумий натижалари ва кўрсаткичларнинг статистик таҳлилига эътибор қаратдик.

1-жадвал. Шахс индивидуал психологик хусусиятлари таҳлили ўсмирлар ўртасидаги статистик кўрсаткичлар (Манн-Уитни мезони асосида)

Шкалалар	Жинси	N	Ўртача ранг	Z	p
Мулоқотга мойиллик	Аёл	45	42,78	-1,826	,068
	Эркак	50	52,70		
	Жами	95			
Ҳиссий барқарорлик-беқарорлик	Аёл	45	49,31	-,457	,548
	Эркак	50	46,82		
	Жами	95			
Ижтимоий етуклик, онглилик	Аёл	45	46,04	-2,669	,037*
	Эркак	50	49,76		
	Жами	95			
Ўзига ишонч – ишонмаслик	Аёл	45	38,96	-3,106	,002**
	Эркак	50	56,14		
	Жами	95			
Мустақиллик – тобелик	Аёл	45	46,00	-1,706	,048*
	Эркак	50	49,80		
	Жами	95			
Ўзини назорат қилиш	Аёл	45	51,23	-1,108	,026*
	Эркак	50	45,09		
	Жами	95			

Р.Кеттелнинг 16 омилли шахс сўровномаси маҳаллий муҳитга мослаштирилган вариантига кўра 10 та шкаладан иборат. Тадқиқот иши учун 6 та шкалани танлаб олдик ва тадқиқот ишида иштирок этган синалувчиларнинг ёш ва жинсига кўра индивидуал-психологик хусусиятлари орасида ишончли тафовутлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текшириб кўрдик. Юқорида келтирилган шкалалар нормал тақсимланиш қонунига мос келмаганлиги сабабли биз таҳлилни Манн-Уитни мезонида амалга оширдик. Таҳлил натижаларига кўра, ижтимоий етукликонглилик (Z=2,669; p>0,05), ўзига ишончишонмаслик (Z=3,106; p>0,05), мустақилликтобелик (Z=-1,706; p>0,05), ўзини назорат қилиш (Z=1,108; p>0,05) шкалаларида ишончли тафовутлар кузатилди.

Ўспирин ёшдаги синалувчиларимизнинг натижаларига ўсмир ёшидаги синалувчиларнинкида бироз фарқ қилганлигини кўриш мумкин. Таҳлил натижаларига кўра, мулоқотга мойиллик (Z=2,379; p>0,05), ҳиссий барқарорликбеқарорлик (Z=2,377; p>0,05), ўзига ишончишонмаслик (Z=1,197; p>0,05), мустақилликтобелик (Z=1,924; p>0,05), ўзини назорат қилиш (Z=4,265; p>0,01) шкалаларида юқори ишончли тафовутлар кузатилди.

Ўрта ёшдаги синалувчиларимизнинг натижаларига ўсмир ва ўспирин ёшидаги синалувчиларнинкида бироз фарқ қилганлигини кўриш мумкин. Таҳлил натижаларига кўра, ҳиссий барқарорликбеқарорлик (Z=2,552; p>0,05), ўзига ишончишонмаслик (Z=-2,641; p>0,05), мустақилликтобелик (Z=-1,151; p>0,05), ўзини назорат қилиш (Z=1,950; p>0,01) шкалаларида юқори ва ўрта ишончли тафовутлар кузатилди. Юқорида келтирилган натижаларнинг динамик хусусиятларини қуйидаги диаграммада кўриш мумкин (1-расм):

Мулоқотга мойиллик даражаси ўртасидаги фарқлар асосан ўспиринлик яъни талабалик даврида кузатилмоқда. Талабалик даври фаол ижтимоий ўсиш даври сифатида инсон ҳаётида ўзига хос ўринга эга бўлиб, ушбу даврда ўғил болалар қизларга қараганда мулоқот қилишга мойиллиги юқори бўлади. Ҳиссий барқарорлик даражаси ҳам талабалик ва ўрта ёш даврларда фарқлар кузатилди. Талабалик даврида ҳиссий барқарорлик аёллар ва эркаклар орасида юқори даражада фарқланмайди, ўрта ёш даврида эса эрка-


2-жадвал. Шахс индивидуал психологик хусусиятлари таҳлили ўспиринлар ўртасидаги статистик кўрсаткичлар (Манн-Уитни мезони асосида)

Шкалалар	Жинси	N	Ўртача ранг	Z	p
Мулоқотга мойиллик	Аёл	56	48,58	-2,379	,018*
	Эркак	53	56,53		
	Жами	109			
Ҳиссий барқарорлик-беқарорлик	Аёл	56	52,93	-2,377	,006**
	Эркак	53	50,75		
	Жами	109			
Ижтимоий етуклик, онглилик	Аёл	56	52,47	-,180	,857
	Эркак	53	51,41		
	Жами	109			
Ўзига ишонч – ишонмаслик	Аёл	56	49,08	-1,197	,031*
	Эркак	53	55,91		
	Жами	109			
Мустақиллик – тобелик	Аёл	56	56,73	-1,924	,044*
	Эркак	53	45,66		
	Жами	109			
Ўзини назорат қилиш	Аёл	56	62,67	-4,265	,000***
	Эркак	53	37,69		
	Жами	109			

3-жадвал. Шахс индивидуал психологик хусусиятлари таҳлили ўрта ёшлилар ўртасидаги статистик кўрсаткичлар (Манн-Уитни мезони асосида)

Шкалалар	Жинси	N	Ўртача ранг	Z	p
Мулоқотга мойиллик	Аёл	46	52,36	-,241	0,810
	Эркак	50	50,94		
	Жами	96			
Ҳиссий барқарорлик-беқарорлик	Аёл	46	46,05	-2,552	,021*
	Эркак	50	55,02		
	Жами	96			
Ижтимоий етуклик, онглилик	Аёл	46	52,68	-3,146	,002**
	Эркак	50	57,29		
	Жами	96			
Ўзига ишонч – ишонмаслик	Аёл	46	57,29	-2,641	,029*
	Эркак	50	47,77		
	Жами	96			
Мустақиллик – тобелик	Аёл	46	55,56	-1,151	,250
	Эркак	50	48,88		
	Жами	96			
Ўзини назорат қилиш	Аёл	46	48,81	-1,950	,045*
	Эркак	50	53,23		
	Жами	96			

1-расм. Статистик мезон орқали аниқланган ишончли тафовутлар мавжуд шкалалар.



кларда устун бўлганлигини кўриш мумкин. Ижтимоий етуклик, онглилик даражаси бўйича ишончли фарқлар ўсмирлик ва ўрта ёш даврларида кузатилди. Таъкидлаш жоизки, ўсмирлик давридаги ижтимоий етуклик эркакларда устунлик қилса, ўрта ёшлиларда ҳам эркаклар кичик фарқ билан аёллардан устунлик қилишига гувоҳи бўлишимиз мумкин. Буни айнан ушбу даврда субъектнинг масъулият даражаси билан баҳолаш мумкин. Ўзига ишонч ва ишонмаслик даражаси барча ёш даврларида ишончли фарқлар кузатилди. Унга кўра, ўсмирлик ва ўспиринлик даврларида эркакларда, ўрта ёш даврларида эса аёлларда устунлик қилганлигини кўришимиз мумкин. Мустақиллик даражаси ўспиринлик даврида ишончли фарқлар кузатилди. Таъкидлаш жоизки, талабалик давридаги ҳаёт, янги билимлар, янгича дунёқарашлар касб танлаш билан боғлиқ вазиятлар, албатта, мустақилликни талаб қилади. Бу айниқса эркакларда устувор эканлигини кўришимиз мумкин. Ўзини назорат қилиш даражаси бўйича барча ёш даврларида ишончли фарқлар кузатилди. Ўсмирлик ва ўспиринлик даврларида аёлларда устувор бўлса, ўрта ёшга келиб эркакларда устунлик қилаётганлигини кўришимиз мумкин. Юқорида келтирилган таҳлиллардан кўзланган мақсад шахс индивидуалпсихологик хусусиятлари динамик ҳарактерга эга бўлиб, шахс шаклланиб бориши, камолотга қараб интилиши, ижтимоий идентификациялар, жумладан, диний идентификациянинг пайдо бўлиши унинг шахс хусусиятлари билан боғлиқ эканлиги тўғрисидаги фаразларни асослашни назарда тутади.

Хулосалар:

1. Диний идентификация динни ижтимоийпсихологик ўрганишда асосий категориялардан бири бўлиб, у борлиқни маънан ўзлаштириш шакли сифатида, шахснинг онги, тафаккури, хулқатвори билан белгиланувчи ҳодиса ҳисобланади. Шу боисдан, шахсда диний идентификацияни шакллантириш ижтимоий-психологик ва амалий аҳамиятга эгадир.

2. Тадқиқотда диний диний идентификация тушунчасининг таркибий қисмлари: ижтимоий идентификация, ижтимоий онг, диний эътиқод, диний онг, диний дунёқараш, диний тасаввурлар, диний туйғу ва бошқа шу каби атамалар моҳияти очиб берилди. Шу билан бир қаторда, тушунчалар ўртасидаги боғлиқликлар ва фарқлар уларни турлича талқин қилиш имкониятларини юзага келтириши мумкин.

3. Муаммони ўрганишга доир илмий тадқиқотлар таҳлилига кўра, диний идентификация иинди вид психикасининг онгсиз қатламларида эмоционал кечинмалар, муайян ҳаётий тажриба, индивиднинг ёш хусусиятлари, индивиднинг гендер хусусиятлари, қадриятлар тизими, шахсни ўраб турган ижтимоий муҳити ва бошқа сабаблар таъсирида пайдо бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Kibria N. Muslims in motion: Islam and national identity in the Bangladeshi diaspora. – Rutgers University Press, 2011. 46 p.

2. Miedema S. "Coming out religiously!" Religion, the public sphere, and religious identity formation //Religious education. – 2014. – Т. 109. – №. 4. – С. 362-377.

3. Otto, R. The Idea of the Holy. New York: Oxford Universities Press. 1958. – 268 p.

4. Peek L. Becoming Muslim: The development of a religious identity //Sociology of religion. – 2005. – Т. 66. – №. 3. – С. 215-242.

5. Wardekker W. L. Religious Identity Formation between Participation and //Towards religious competence: Diversity as a challenge for education in Europe. – 2001. – Т. 3. – С. 23.

6. Джеймс Уильям. Многообразие религиозного опыта. М.: Академический проект, 2017. 415 с.

7. Маслоу А. По направлению к психологии бытия. Религия, ценности и пик переживания/ пер. с англ. М.:Эксмо, 2002. 272 с.

8. Франкл В. Основы логотерапии. Психотерапия и религия. – Спб., 2000. 286 с.

9. Фрейд А. Психология Я и защитные механизмы. - М.: Питер. 2018. 160 с.

10. Фрейд З. Недовольстве культурой // Психоанализ. Религия. Культура. - М.: Ренессанс, 1992. 296 с.

11. Фромм Э. Психоанализ и религия; Искусство любить; Иметь или быть?: Пер. с англ. К.: Ника-Центр, 1998. 400 с.

12. Эриксон Э. Идентичность: юность и кризис. Монография / Э. Эриксон - М.: Изд-во Академический проект, 1996. 344 с.

13. Олпорт Г. Становление личности. Избранные труды/ Пер. с англ. – М.: Смысл, 2002. – 465 с.

14. Ялом И. Экзистенциальная психотерапия. – М.:РИМИС. 2008. 608 с.